ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЭКАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТАЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 67 (5416).

4 АПРЕЛЬ ЖУМА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҒЎЗА ОЛТИ ҚАТОРЛАБ ЎСТИРИЛАДИ

«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг механизатори Абдулла Эбасан одатдаги тўрт қаторлаб экиш ўрнига бирданига олти қаторлаб чигит экмоқда. «Ўзбексельмаш» заводи ишлаб чиқарган олти қаторли сеялканинг дастлабки нусхаларидан бири унга ишониб топширилди. У «МТЗ—80Х» трактори билан прицепда соатига 2,2 гектар ёки тўрт қаторли сеялка билан экишга нисбатан бир ярим баравар кўп чигит экиб, меҳнат сарфини 29 процент камайтирди. Уруғ қатор оралари 90 сантиметр келадиган эгатларга экилмоқда.

Янги сеялка ғўза парваришини олти қаторда олиб бориш системаси соҳасидаги комплекс ишларни бошлаш имконини беради. Пахтачилик учун машиналар бўйича ихтисослаштирилган бош конструкторлик бюроси яратган бундай машина ва қуролларни мутахассислар биринчи навбатда Мирзачўлда ва Қаршн даштида қўлланишни тавсия этмқодалар.

О. ПАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Урта Чирчиқ районидаги барча саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, ўқув хўжаликлари ва давлат муассасалари коллективлари, барча касбдаги меҳнаткашлар шу йилнинг 19 апрелида ўтказиладиган шанбаликка ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Умумхалқ ҳашарининг зўр уюшқоқлик билан ўтиши учун зарур тадбирларни белгилаб қўйишди.

Ўтган йилги Коммунистик шанбаликда район меҳнаткашларидан 48,3 минг киши иштирок этган эди. 40 минг сўмликдан кўпроқ маош тўққизинчи беш йиллик фондига ўтказилиб, тайёрланган ялпи маҳсулот ҳажми 76 минг сўмни ташкил этган эди. Бу йил эса ўртачиччиқликлар шанбаликни янада самаралироқ ўтказишга ахд қилишган. Шанбаликда салкам 60 минг киши иштирок этади. Дастлабки ҳисобларга қарагандa 90 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади, тўққизинчи беш йиллик фондига ўтказиладиган маблағ миқдори эса 42 минг сўмни ташкил этади.

Шанбалик куни мнглаб ишчи-хизматчилар ўзларининг меҳнат постларида бўлишади. Улар станокларни бошқаришади, ремонт ишларини амалга оширишади, қурилиш майдонларида жавлон уришади. Кўпгина заводлар, фабрикалар ва бинокорлик ташкилотлари коллективлари шанбалик куни маҳсулотнинг асосий қисмини тежаб қолинган хомашё, моддий ресурслар, электр энергия ҳисобига ишлаб чиқаришади. Шу куни фақатгина пахта тозалаш саноати ходимлари 30 тоннага яқин «оқ олтин» толаси ишлаб чиқарадилар. Металл конструкциялари заводи коллективи 70 тонна маҳсулот тайёрлайди. Бундан ташқари, 280 тонна асфальт ишлаб чиқарилади. Ками билан 20 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Қ. РАҲИМОВ.

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШЛАРИГА — ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАТЕРИАЛЛАР

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш биринчи квартал планини 103,3 процент бажардилар. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процентни ташкил этди. Март ойида энг кўп цемент, ғишт, сопол плиталар, мармар ва гранитдан тайёрланган пардозлаш материаллари, томга ёпиладиган юмшоқ материал, дераза ойнаси ишлаб чиқарилди.

Министрликка қарашли 48 корхонадан 35 таси ўз социалистик мажбуриятини тўлиқ бажарди. Ишчилардан уч юздан кўпроқ киши ўзларининг беш йиллик планларини бажарганликлари тўғрисида рапорт берди. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БАҲОРГИ ЭКИНЛАР ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 3 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — баҳорги дон экиш; иккинчи стун — эртаги сабзавот экиш ва кўчат ўтказиш; учинчи стун — беда сепиш (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оҳангарон	130,1	87,2	107,0
Оққўрғон	117,6	79,0	100,0
Ўрта Чирчиқ	108,0	93,8	74,1
Юқори Чирчиқ	101,8	76,4	86,5
Бекобод	101,3	82,5	100,2
Бўка	100,0	100,0	103,1
Калинин	100,0	103,0	100,0
Қуйи Чирчиқ	100,0	76,7	111,3
Чиноз	87,6	134,8	100,0
Пискент	81,2	101,0	95,3
Бўстонлиқ	66,0	80,5	56,1
Янгийўл	62,2	83,1	100,0
Оржоникидзе	—	86,1	100,0
Область бўйича	99,1	90,6	95,6

АГРЕГАТЛАР ИШГА ТУШДИ

ЧИГИТ ЭКИШ ШТАБИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОҚҚУРҒОН. («Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан). Кейинги ёмғирдан кейин далалар, боғлар яшнаб кетди. Кеча район колхоз ва совхозлари даласига 200 га яқин экиш агрегати чиқарилди. Яхши текисланган, бороналанган ва экишга тахт турган далаларда агрегатлар колонна-колонна бўлиб ишлай бошлади.

Беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини ошириб бажаришга ахд қилган Оққўрғон районининг азамат пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш иштиёқида чигит экишни кенг кўламда бошлаб юборишдилар.

Районда тузилган чигит экиш штабининг хабар беришига қараганда кеча 1500 гектар ерга уруғ қадалган. Ҳар бир экиш агрегатининг дастлабки кундаги иш унуми ўн гектардан ошган. Штабда тузилган қатъий графикка кўра ҳамма майдонларга 9 апрелгача, яъни етти кун ичида чигит экиб бўлинади. Шундан 7 минг гектар ерга тўқсизлантирилган чигит уяларга аниқ ташланади. 90 процент майдонга кенг қаторлаб чигит экиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга экиш даврида далалар гербицид билан ишланади ва бирйўла қаторларга минерал ўғит солиб кетилади.

Бу йил гектарларда кўчат қалинлигининг кўпроқ бўлиши учун кураш олиб борилмоқда. Ўтган йилларда 90х20 схемасида чигит экилган бўлса, ҳозирги пайтда 90х10 схемасида чигит экилаётир. Бунда кўчат ҳар гектар ерда 130—135 минг тупга етказилади.

Кўклам дала ишлари даврида ишнинг юқори сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Район партия комитетининг биринчи секретари, чигит экиш штабининг бошлиғи А. Икромовнинг айтишича қараганда чигит экишни сифатли ўтказган ва уни ҳамма майдонларда 100 процент бехато ундириб олган звено, бригадаларга район ҳамда хўжаликларнинг мукофотлари берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олган «Ленинобод» колхозининг Талас Ғазатов бошлиқ бригада аъзолари экишда олдинда бормоқдалар. Улар бу йил 55 центнер учун курашаётирлар. Шунингдек, «Оққўрғон» совхози, «Ленинобод», Вотинцев номли колхозлар экиш ишларини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бошлаб, уюшқоқлик билан ўтказаётирлар.

Шу нарса қувончлики, районда чигит экишга тушгунга қадар беда, маккажўхори, сабзавот экинлари ва бошқа эртаги экинларнинг ҳаммаси экиб бўлинган ва кўчатлар ўтқазиб қўйилган эди.

Оққўрғонликлар беш йилликнинг якунловчи йилида она-Ватанга 66 минг тонна пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида яқдил ва ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётирлар.

СУРАТДА: Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг илғор механизатори Т. Умаралиев, (ўнгда) клохоз даласида чигит экиш пайти.

Н. Тўраев фотолари.

САНОАТИМИЗНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТИНИНГ 1975 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

Тошкент область статистика бошқармаси область саноатининг тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили биринчи кварталидаги иши натижаларини якунлади.

Шу йилнинг биринчи кварталида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,5 процент ортди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 6,3 процент ошди.

1975 йилнинг биринчи квартали учун реализация, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги, таннархни арзонлаштириш, жамғарма олиш ва кўпчилик муҳим буюмлар турларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган план топшириғи ортиғи билан адо этилди. Саноат маҳсулоти реализацияси ҳажми бўйича кварталп плани Оҳангарон районидан ташқари барча шаҳарлар ва районлар бўйича бажарилди.

Маҳсулот реализацияси планининг бажарилиши ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошиш суръатлари область шаҳарлари ва районлари бўйича қуйидагича бўлди:

	Биринчи квартал планининг бажарилиш процентн	1975 йилнинг январь-мартида 1974 йилнинг январь-мартига нисбатан процент ҳисобида	
		Ишлаб чиқариш бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
Умуман область бўйича,	104,3	110,5	106,3
Тошкент области	104,2	110,0	105,7
Шаҳарлар			
Тошкент шаҳри	104,3	111,0	106,8
Олмалиқ	102,0	116,2	113,5
Ангрен	105,7	104,8	104,8
Бекобод	105,3	111,4	93,6
Чирчиқ	102,1	108,0	105,7
Янгийўл	106,0	104,7	102,7
Районлар:			
Оққўрғон	110,1	96,8	98,5
Оҳангарон	96,4	115,3	111,3
Бекобод	113,3	96,9	96,0
Бўстонлиқ	109,2	107,9	104,1
Бўка	110,3	101,5	95,2
Юқори Чирчиқ	109,2	117,5	108,3
Калинин	107,4	109,7	103,8
Қуйи Чирчиқ	109,1	116,8	113,0
Оржоникидзе	104,4	109,0	91,1
Пискент	112,5	94,8	91,8
Ўрта Чирчиқ	104,0	120,1	113,5
Чиноз	113,2	109,0	104,5
Янгийўл	106,7	108,7	108,3

Область саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Муроҳаати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ҳақидаги қарорга жавобан тўққизинчи беш йиллиқнинг сўнгги йилида олинган социалистик мажбуриятларни ва муқобил планларни муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу йилнинг биринчи кварталида умуман область бўйича пландагидан ташқари 44 миллион сўмликдан кўпроқ турли саноат маҳсулотлари реализация қилинди.

Шу давр ичида Тошкент шаҳар саноат корхоналари пландагидан ташқари 23,7 миллион сўмлик, область корхоналари эса 20,6 миллион сўмлик, шу жумладан Олмалиқ 2,6, Ангрен 1,5, Бекобод 1,6, Чирчиқ 2,1, Янгийўл 2,8, районлардан Оққўрғон — 1,2, Бекобод — 0,9, Бўстонлиқ — 0,7, Бўка — 0,7, Юқори Чирчиқ — 0,4, Калинин — 1,0, Қуйи Чирчиқ — 1,0, Оржоникидзе — 0,14, Пискент — 0,8, Ўрта Чирчиқ — 0,7, Чиноз — 1,1, Янгийўл — 2,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Қатор саноат корхоналари мавжуд асбоб-ускуналардан яхши фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш асосида 1975 йилнинг биринчи квартали учун мўлжалланган социалистик мажбуриятлар ва муқобил планларнинг бажарилишини таъминладилар. Ангрен, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Чиноз ва Янгийўл районлари корхоналари шулар жумласидандир.

Айрим шаҳарлар ва районлар саноат корхоналари шу йилнинг январь—февраль ойларида ишлаб чиқариш ва реализация бўйича қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Айни вақтда, умуман областимиз саноати ижобий натижаларга эришганлигига қарамай, шу йилнинг уч ойида буюмларнинг айрим турлари бўйича план бажарилмай қолди. Куч трансформаторлари, культивраторлар, ўсимлик мойи шулар жумласидандир. Айрим корхоналар саноат маҳсулотини реализация қилиш квартал планининг бажарилишини таъминламадилар.

Шу нарса ташвиш туғдирмоқдаки, айрим корхоналар сурункасига ойлик планларни бажармаётирлар. Оҳангарон ун комбинати, Олмалиқдаги рўғор химияси заводи, Ўрта Чирчиқ районидаги эксперментал ремонт ишлаб чиқариш корхоналарининг марказий базаси шулар жумласидандир. Бу корхоналар биринчи квартал мобайнида бирор ойда ҳам маҳсулот реализацияси планини бажармади.

Ҳали ҳам ҳамма жойда саноат ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини оширишга олиб келувчи резервлар етарли даражада тўла фойдаланилмаяпти. Ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги, товар маҳсулоти таннархини камайтириш ва жамғарма олишни кўпайтириш бўйича топшириқларни бажармаётган корхоналар сони ҳали ҳам кўп.

Тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилининг биринчи квартали ҳам тугади. Меҳнат коллективлари Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги шарафига зардбор вахтада туриб ишлаяптилар. Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига тайёргарлик тобора кенг қулоч ёймоқда. Корхоналар раҳбарлари коллективлар меҳнат шижоати, ижодий активлигини Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг асосий вазифалари ҳисобланган кам чиқим билан кўпроқ, сифатли маҳсулот берилишини таъминлашга сафарбар этишлари керак.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1975 ЙИЛДА ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Урта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб 1974 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни анча кўпайтирдилар.

Район деҳқонлари сув танқислиги юз берган қийин оби-ҳаво шароитида фидокорона меҳнат қилиб барча экинлардан юқори ҳосил етиштирдилар. Район пахтачилиги тарихида биринчи марта 68 минг 100 тонна «оқ олтин» етиштирилди ва тайёрлаш пунктларига топширилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30,5 центнердан пахта олинди. Бу 1973 йилдагига нисбатан 2 центнердан кўпдир.

Ўтган йили район колхоз ва совхозлари давлатга 10512 тонна дон сотдилар. Шу жумладан 7293 тонна шоли, 1834 тонна буғдой ва арпа, 1385 тонна маккажўхори дони сотилди. Район бўйича давлатга дон сотиш тўрт йиллик халқ хўжалик плани ошириб бажарилди.

1974 йилда районнинг илғор хўжаликлари шолидан юқори ҳосил етиштирдилар. «Северний маяк» колхози ҳар гектар ерден 58,3 центнердан. Охунбобоев номли колхоз 56,2, Терешкова номли колхоз 57,6 ва «Горняк» совхози 51,2 центнердан шоли йиғиб олдилар.

Аммо районнинг айрим хўжаликларида дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш резерв ларидан етарли фойдаланилмаётир. Деҳқончилик маданияти паст. Белгиланган суғориш режимига ҳамиша амал қилинмайди. Агротехника қоидаларига кўпинча риоя этилмайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни ошириш ва бешйиллиқни муваффақиятли бажариш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисидаги қарорига ҳамда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган Қорақалпоғистон ғаллакорларининг 1975 йилда дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан республика ғаллакорларига мурожаатига жавобан Ўрта Чирчиқ район ғаллакорлари бу йил дон етиштиришни кўпайтиришда юксак марраларни белгилаб чиқдилар.

Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига дон экиладиган майдонларни анча кенгайтириш, деҳқончилик маданиятини ҳар томонлама ошириш, дон экинлари етиштиришда илғор усулларни қўлланиш, суғориладиган ерларда дон ҳосилини анча ошириш қарор қилинди. 1975 йилда ҳар гектар ердан район бўйича 60 центнердан шоли, 80 центнердан маккажўхори дони ва баҳорикор ерларда 15 центнердан бошоқли дон ҳосили йиғиб олиш белгиланди.

Биз ана шундай ҳосил етиштиргимизда ҳаммаси бўлиб 27450 тонна ёки 1974 йилдагига нисбатан 7570 тонна кўп дон етиштирамиз. Шу жумладан, 11300 тонна шоли, 9800 тонна маккажўхори дони, 6530 тонна буғдой ва арпа етиштирамиз. Давлатга 14 минг тонна ёки ўтган йилдагидан 3500 тонна кўп дон сотамиз. Шу жумладан, 8900 тонна шоли, 3500 тонна маккажўхори дони, 1600 тонна буғдой ва арпа етказиб берилади.

Шоли экиладиган майдонларни 2611 гектарга етказамиз. Шундан 1350 гектари Калинин номли ихтисослаштирилган шоликор совхозда бўлади. Шоли асосан йирик ва яхши текисланган участкаларга экилади. Камида 2 минг гектар ердаги шолипоя механизация ёрдамида ишланади. Асосий майдонлардаги шоли ўриб-йиғиб олинади.

Комплекс механизацияни жорий қилиш натижасида 1 центнер шоли етиштиришга сарфланадиган ҳаражатни 1974 йилдаги 16,7 ўрнига 10—12 киши соатга камайтирамиз. 1 центнер шолининг таннархи эса ўтган йилдаги 31,76 сўм ўрнига 25 сўмга туширишади.

Шоли экиладиган майдонларни, узунасига ва кўндаланг полларни ўз муддатида тайёрлаш учун ер қазиш машиналари (бульдозер, грейдер, пол олиш механизмлари)дан унумли фойдаланамиз. Шоли экишни юқори агротехника қоидалари асосида ўтказамиз ва 1975 йил 1 майдан кечиктирмай экишни тўлиқ тугаллаймиз.

Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш учун кузда экилган барча донли экинларга ўз вақтида бо-рона босамиз, озиқлантирамиз, барча майдонларда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликларига қарши препарат сепамиз. Дон экинларини сут-думбуллик пайтигача бегона ўтлардан тозалаймиз, ўрим-йиғим пайтида техникадан унумли фойдаланамиз.

1400 гектар ерга «ВИР—338—ТВ» навли маккажўхори қисқа муддатда қанд лавлаги билан қўшиб экилади ва айни вақтда минерал ўғит ҳам солинади. Ҳар гектар ерда маккажўхори тупларининг белгиланган қалинликда бўлишини таъмин этамиз, экинларга ўз вақтида ишлов берамиз, озиқлантирамиз ва қондириб суғорамиз. Экин экилган ерларнинг ҳамиша сернам ва юмшоқ бўлишини таъмин этамиз.

Бу майдонларнинг ҳар гектаридан 80 центнердан маккажўхори дони ва 250—300 центнердан қанд лавлаги олинганда камида 9800 тонна маккажўхори дони ва 40 минг тоннага яқин қанд лавлаги етиштирилади. Бу ҳосил чорва молларини ширали емхашаклар билан етарли таминлашга имкон беради.

Дон ва маккажўхори ўриш-йиғиш комбайнларини ремонт қилишни 15 апрелдан кечикмай тугаллаймиз.

Уруғлик дон етиштиришни қатъий назорат остига оламиз. Колхоз ва совхозларни биринчи ва иккинчи репродукция уруғлик дон билан таъминлаймиз.

Ўрта Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилини барча экинлардан юқори ҳосил етиштириш билан нишонлайдилар, давлатга дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарадилар ҳамда Узбекистон Компартиясининг XIX съездини ва КПССнинг XXV съездини катта меҳнат ғалабалари билан кутиб оладилар.

БУ МАЖБУРИЯТЛАР РАЙОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган «Қорақалпоғистон АССР деҳқонларининг республикадаги барча ғаллакорларга мурожаати»ига жавобан 1975 йилда дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область қишлоқ хўжалик органларига, район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошлағич партия ташкилотларига бошоқли дон, шоли ва маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш ва уни амалга ошириш, мўл дон ҳосили етиштириш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш, беш йиллиқнинг якунловчи йилида дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Область ва район газеталари редакцияларига ғаллакорларнинг социалистик мусобақасини мунтазам ёритиб бориш вазифаси топширилди.

КАСАБА СОЮЗ АКТИВЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

3 апрелда В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати маданият саройида касаба союз активининг йиғилиши бўлиб ўтди. ВЦСПСнинг секретари И. М. Владиченко ВЦСПСнинг амалий фаолияти ҳақида ҳисобот доклади қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Қалмоқкир кони экскаватор-машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Р. Подвигин, кўрғошин-рух бойитиш фабрикасининг флотатори В. Я. Корнейчук, мис эритиш заводининг директори Ю. П. Куприянов ва бошқалар ВЦСПСнинг фаолиятини бир овоздан маъқуллашди. Шу билан бирга улар социалистик мусобақани янада такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг иш шароити, дам олишлари ва уларга маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган бир қатор таклифларни ўртага ташладилар.

Йиғилиш ишида Узсовпрофнинг секретари Х. Б. Нигмонов, касаба союзлари область советининг раиси А. В. Брагилов ўртоқлар иштирок этдилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

ШАРИФАНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

Беш йилликни муддатидан илгари бажариш йўлида бошланган умумхалқ ҳаракати кўплаб меҳнат қаҳрамонларини юзага чиқарди. Эндиликда уларнинг иш услублари, маҳорат сирлари, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш каби ажойиб хусусиятлари минглаб ёш ишчиларга тажриба мактаби вазифасини ўтаётир.

Беш йиллик зарбдорлари ҳаракатида Ангрен керамика комбинатида ҳам кўплаб ишчилар машъаллари майдонга чиқдилар. Уларнинг бой иш тажрибалари коллектив аъзолари ўртасида кенг тарғибот қилинаётганлиги туфайли корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари мунтазам юксалиб бораётир. Комбинат ишчиларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб бир неча марта кўчма Қизил байроқни қўлга киритганлиги ана шу фикрнинг яққол далилидир.

Коллектив аъзоларини ўзининг шахсий намунаси билан улкан меҳнат зафарлари сари илҳомлантираётган беш йиллик зарбдорлари сафида плита цехининг илғор ишчиси Шарифа Қўчқорова ҳам шаҳдам одимлар билан бораётир. Энг моҳир сараловчи сифатида танилган бу ишчи шахсий беш йиллик планини бажариб қўйиб, айни кунларда ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётир.

Шарифа керамика комбинатига шогирд бўлиб ишга келганида 16 ёшда эди. Орадан ўтган етти йиллик муддат ичида ўз касбининг энг моҳир устаси сифатида довруг тратди. У бундай юқори кўрсаткичларга қандай йўл билан эришаётир? Биринчидан, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан мумкин қадар тўла фойдаланишга ҳаракат қилади. Бунинг учун ишга барвақтроқ келишга одатланган. Иш жойи доим саранжом-сариштa. Ҳаракатлари ҳам чаққон. Масалан, у бир квадрат метр ёки беш даста плитани упаковка қилиш учун бор йўғи 4—4,5 минут вақт сарфлайди, ҳолос. Унинг ёнгинасида меҳнат қилаётган ҳамкасблари эса бу ишга 6-6,5 минут вақт сарфлашади. Шарифа эса тежаб қолинган 2 минут давомида планга қўшимча яна 2 даста плитани упаковка қилишга бемалол улгуради.

Бу ўз касбини чуқур эгаллаган ишчининг ҳақиқий маҳоратидир. Бундан ташқари у ҳар бир ҳаракатни аниқ ва пухта бажаради. Асбоб-ускуналар ва упаковка қилинадиган материаллар ҳар доим жой-жойида тартиб билан туради. Бу эса ортиқча ҳаракатга ўрин қолдирмайди.

Шарифа Қўчқорова меҳнат қилаётган плита цехида илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. У ҳам ана шу мактаб аъзоси сифатида сараловчи касбининг нозик сир-асрорларини ёшларга қунт билан ўргатиб келади. Иш жойини тўғри ташкил этиб, қандай қилиб вақтни тежаб қолаётганлигини уларга тушунтириб беради.

Қисқа вақт ичида Ш. Қўчқорова саккиз ёш ишчига касб маҳоратини ўргатди. Ҳозир шогирдларининг барчаси кунлик нормаларини анча ортиғи билан сифатли қилиб бажаришга эришаётир. Улар Шарифанинг маҳорат мактабини ўтаб чиққанларидан сўнг меҳнат унумдорлигини салкам ўн процентга оширдилар. Бироқ, гап фақат меҳнат унумдорлигини оширишдагина эмас, албатта. Шарифа Қўчқорова қўлида тарбияланган ёш ишчилар биринчи галда ўзлари танлаган касбга янада чуқурроқ меҳр қўядилар.

Ўзи ҳали ёш бўлишига қарамай, талайгина муносиб шогирдларни тарбиялаб етказган комсомол аъзоси Шарифа Қўчқоровaнинг фидокорона меҳнати «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан тақдирланган. У ўзи билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган ҳамкасблари, катта меҳнат майдонига эндигина кириб келаётган ёшлар қалбига йўл топиб, меҳнатга ҳақиқий муҳаббат руҳини сингдирмоқдаки, бу бебаҳо ҳазинанинг ўлчови йўқдир.

В. УЛМАСБОЕВ.

АГИТПУНТЛАРДА УЧРАШУВЛАР

«Чархновза» маҳалласининг юзлаб сайловчилари Тошкент шаҳрининг Октябрь районида қарашли 157-мактаб ҳузуридаги агитпунктга тўпландилар. Ана шу агитпункт мудири педагог К. Хошимова уларга Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларига бўлажак сайловлар тўғрисида гапириб берди. Агитпункт мудираси бу галги сайлов кампанияси Буюк Ғалабанинг 30 йиллигига тўғри келаётганлигини таъкидлаб, сайловчилар билан учрашувга Улуғ Ватан уруши иштирокчилари келганлигини айтди. Шундан кейин артиллерия батареясининг собиқ командири, гвардиячи полковник Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Бобоев, собиқ ҳарбий врач, эндиликда Тошкент тиббиётини институтининг профессори М. Ашрапова ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

116- ва 186-мактаблар ҳузуридаги доимий ишлайдиган агитпунктларда кечалар, суҳбатлар, учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтининг Октябрь районида ҳозирнинг ўзидаёқ йигирма агитпункт ишлаб турибди. Яқин вақт ичида агитпунктлар сони икки баравар ортади.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

Шу кунларда деҳқонларимиз ҳар дамни ғаниматдек билиб, эртаги экинлар экиб, айни чоғда, чигит ва бошқа экинлар экишга қиғин тайёргарлик кўришмоқда. Беш йилликнинг якунловчи йилини муваффақият билан якунлаб, белгиланган маррага барвақт етиб келиш ва мажбуриятларни ошириб бажариш йўлида уюшқоқлик билан меҳнат қилишмоқда.

Областимизнинг қишлоқ ва шаҳарларидан, колхоз ва совхозлардан жамоатчи мухбирларимиз, газетхонларимиздан редакцияга келаётган хатларда ҳам у ёки бу соҳада меҳнат қилаётган кишиларнинг ютуқлари, касби-кори қандай бўлишидан қатъий назар умумхалқ ишига ҳисса қўшаётган аъзоларнинг меҳнатлари тараннум этилади.

Пойтахт меҳнаткашларини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози илғор бригадалари ҳақида газетхон **М. Қўчқоров** хат йўллаган. У шу колхозда истиқомат қилаётган тўқсон ёшли Олим ота Бекмуротов бошлиқ онла аъзоларининг колхоз ишлаб чиқаришида актив қатнашиб, эришган катта ютуқларини атрофлича баён этган.

Ўтган йили ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, якунловчи йилнинг дастлабки оёларида юқори кўрсаткичларга эришаётган 1-«Пискент» совхозининг чорвадорлари ҳақида Пискент районидан ўртоқ **Б. Усмонов** ёзиб юборган. У ўз хатида чорвадорлардан Мавлия Алиева, Қурбонгул Ирисбоева, Ғадила Аҳмадалиеваларнинг бу йил ўз боқимларидаги ҳар бир сигирдан 3300 литрдан сут соғиб олиш учун кўраётган тадбирларини ёритган.

Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасидан хат юборган **Б. Эргашева**, Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхозидан **К. Машрапова** ўртоқлар ҳам шу хўжаликлардаги чорвадорларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида фикр юритишган.

Штатсиз мухбиримиз **Н. Пирматов** ўз хатида Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводида 300 дан кўпроқ рационализаторнинг ўтган йилги ихтиролари натижасида 200 тонна пўлат, 75 минг киловатт-соат электр энергияси тежалганлиги ва уларнинг якунловчи йилдаги режалари, дастлабки ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

О. Хушназаров ва **И. Абдукаримов** ўртоқлар Оҳангарондаги буюмлар заводи илғор ишчиси С. Беляров ҳақида, яна шу райондан **А. Наврўзов**, Бўстонлиқ районидан **М. Мирсултонов**, Оққўрғон районидаги **С. Ҳожиев** ўртоқлар ҳам турли темаларда ёзилган хатларни редакциямизга йўллашган.

«Элга хизмат — олий ҳиммат» сарлавҳали мақолада Олимжон ака Халилов «Зафар» посёлкасида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида ишлаётган энг кекса ходимлардан бири эканлиги айтилади. Олимжон ака бошлиқ коллектив аҳолига савдо хизмати кўрсатиш квартал планини анча ошириб бажарганлиги ҳақида бизга Бекобод районидан **Т. Усмонов** ва **К. Мавлонов** ўртоқлар ёзиб юборишган.

Ангрендаги автостанция ёнидаги ошхонада хўрандаларга намунали хизмат қилаётган Камол Ваҳобов ҳақида ўртоқ **И. Аҳмедов** хабар ёзиб, унинг шаҳардаги умумий овқатланиш трести ходимлари ичида энг илғорлардан бири эканлигини кўрсатади.

«Бригадирнинг бахти» сарлавҳали хабарда Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи Раҳим ака Турсуновнинг ўтган йилги ютуқлари, бу йилги режалари ҳақида ўртоқ **Б. Содиқов** редакциямизга хабар қилган.

Редакциямизга келаётган бошқа қатор хатларда ҳам беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаётган коллективлар, бригадалар, меҳнат қилаётган кишиларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида хабар қилинади.

Тошкент трактор заводининг 18-цехи ишчилари беш йиллиқни муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Илғор цехда вақтдан ўзиб ишлаётганлар сони ой сайин кўпайиб бораётир.

Суратда: (чапдан) 1976 йил ҳисобига меҳнат қилаётган М. Тешабоев, Л. Кортушенко, Л. Кекк ва М. Поруршиларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ТАЙЁРЛОВ бўлимида

Партия ва ҳукуматимизнинг қарори билан олий ўқув юртлари қошида ишчи ва колхозчилар, Совет Армияси сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар учун бир йиллик тайёрлов бўлимлари ташкил қилинган. Ана шундай тайёрлов бўлимларидан бири Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида беш йилдан бери ишлаб турибди.

— Институтда ўқув-таълим сифатининг ошишида тайёрлов бўлими катта роль ўйнаётир,— дейди бўлим декани К. Ўрмонов.— Бўлимимизда тайёргарликдан ўтган йигит-қизлар асосий ўқув пайтида ҳам актив ва аълочи студентлар қаторида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ҳозир бўлимда 220 тингловчи 10 группага бўлиниб математика, физика, тил ва жамиятшунослик курслари бўйича билимларини мустаҳкамламоқдалар. Тингловчилар 2 та ўқув корпуси ва ётоқхона билан тўла таъминланганлар. Ўқув ва кўргазмали қуроллар, техника воситалари билан жиҳозланган лабораториялар, ўқув кабинетлари, дам олиш хонаси, кутубхона, ошхона ва буфет тингловчилар хизматида. Биргина физика фанига доир 4 та лаборатория мавжуд.

Тингловчилар ўзлари қизиққан соҳа бўйича тўгаракларда қатнашишади. Бўлимда фото, кино, радио, олимпия масалаларини ечиш, программаштирилган ўқув тўгараклари иш олиб бормоқда. Ана шундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб фан асосларини пухта эгаллаётган аълочи тингловчилар сафи ортяпти. Самарқандлик Жума Мустафоев, хоразмлик Ғайрат Матназаров, Ўрта Чирчиқ районидан Саодат Йўлдошева, чимкентлик Тамара Жусупова ва бошқа кўплаб ёшлар ўзларининг билимга чанқоқликларини, етук мутахассис бўлишга интилишларини намойиш қилмоқдалар.

Тингловчилар асосан ишлаб чиқаришдан келган ва армия хизматидан қайтган ёшлар бўлганлиги сабабли уларга ўрта мактаб программаси бўйича билимларини янгилаш, институтда ўтиладиган асосий фанлар бўйича дастлабки кўникмалар ҳосил қилиш муҳимдир. Бу вазифани тайёрлов бўлимининг 15 кишилик ўқитувчилар коллективи шараф билан уддаламоқда. Доцентлар Т. Ашуров А. Султонов, М. Миррахимова пухта билим беришлари билан тингловчилар ҳурматини қозонмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигининг бўлажак ирригаторлари, инженер-механиклари учун институтнинг Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув хўжалигида иш олиб бораётган тайёрлов бўлимида таълим-тарбия ишлари сифати тобора ошириляпти. Бу, партия ва ҳукуматнинг халқ хўжалигини мутахассис кадрлар билан таъминлаш йўлида қилаётган ғамхўрлигининг бир ифодасидир.

А. АБДУБАННОПОВ.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Ўрта Осиё халқлари кўп минг йиллик маданият тарихига эга. Илк ўрта аср даврининг буюк мутаффакирлари Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Синоларнинг номлари, уларнинг фалсафа, тиббиёт илми, ахлоқ соҳасидаги қарашлари жаҳон фани ҳамда маданиятида муносиб ўрин тутади.

Кейинги йилларда барча миллий республикаларда халқларнинг қадим замонлардан то XIX асргача бўлган ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихига оид йирик илмий асарлар яратилди. Бироқ, фанда энг муҳим муаммолардан бири бўлган этик фикрлар тарихи масаласи кам ўрганилган. Шу нуқтаи назардан қараганда фалсафа фанлари доктори профессор Ш. Ф. Мамедов ва фалсафа фанлари кандидати доцент И. Ж. Жумабоев ёзган «IX—XV асрларда Ўрта Осиёда этик фикр» монографияси алоҳида ўрин тутади. Уни Москва Давлат университети нашриёти чоп этди.

Асарнинг «IX—XV асрларда Ўрта Осиёда этик фикрларнинг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари» деб номланган биринчи бобида ўша даврдаги, яъни Яқин ва Ўрта Шарқда илк уйғониш даврида Ўрта Осиёда ҳукмрон бўлган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар хусусиятлари, ижтимоий ва этик фикрлар тараққиётидаги асосий оқимлар ва йўналишлар устида сўз борса, иккинчи боб илк феодализм даврининг буюк мутафаккирлари бўлган Форобий, Беруний, Ибн Синонинг этик қарашларини таҳлил қилишга бағишланган. Табиийки, бу мутафаккирлар материалист бўлган эмас. Лекин улар ўз ахлоқий қарашларида инсон фақат шу дунёдагина олий бахт-саодатга эришади, бу дунёдан ташқаридаги бахт-саодат ақлсизликдир, деган ғоянинг илғари суришди. Мутафаккирлар кўп масалаларни маърифатпарварлик нуқтаи-назаридан ҳал қилишга интилдилар. Гарчи, улар ўз ижтимоий идеалини рўёбга чиқариш учун тўғри йўл топа олмаган бўлсалар ҳам, ўрта аср шароитида бундай фикрларнинг ўртага ташланиши катта гап эди.

XI—XIII асрларда Ўрта Осиёда этик фикрлар ривожланиши тарихи монографиянинг навбатдаги бобида ёритилган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Паҳлавон Маҳмуд худди шу давр вакилларидир. Агар Юсуф Хос Ҳожибнинг этик қарашларида феодал аристократияси манфаатлари, уларнинг турмуши, юриш-туриши ва хулқ-атвори нормаларини қаттиқ ҳимоя қилиш ва оқлаш асосий ўринни эгалласа, Аҳмад Югнакий ва Паҳлавон Маҳмуд ижодида, ахлоқий қарашларида яхшилик ва одамийлик, камтарлик ва одиллик, ҳаққоний ва тўғрилик қўйланади, кишиларнинг маънавий камолотида илм-фаннинг ролига алоҳида эътибор берилади ҳамда бағритошлик, адолатсизлик, очкўзлик, баҳиллик ва бошқа ахлоқий нуқсонлар қораланади.

XIV аср охири XV аср бошлари Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида бирмунча равнақ давр бўлди. Асарнинг IV бобида автор бу даврнинг марказий фигураси — йирик мутафаккир, буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ахлоқий назарияси устида кенг ва атрофлича тўхталади.

Навоий ижодидаги асосий ғоя инсонпарварлик, гуманизм ғоясидир. У ўзининг бутун онгли ҳаётини, кўп йиллик ижодий ва амалий фаолиятини халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг озод ва бахтиёр турмуши учун курашга бағишлади. Буюк доншманд ва мутафаккир ўрта аср Шарқида жаҳолат ва нодонлик ҳукм сурган бир шароитда гуманизм ва ватанпарварлик байроғини баланд кўтарди, кишилар ўртасида соф севги-муҳаббат қарор топишини тарғиб қилди ҳамда севги-муҳаббатни мазмунан бой социал-фалсафий тушунчага айлантирди.

Китоб ғоявий-назарий ва фалсафий савияси, тарихий материалларнинг яхши таҳлили шундан далолат берадики, монография муаллифларнинг кўп йиллик ижодий изланишлари маҳсулидир.

Китоб студентлар, аспирантлар ва илмий ходимлар ҳамда СССР халқлари ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикри тарихи билан шуғулланувчи ва қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Қ. ОРИПОВ,
Э. ЮНУСОВ,
фалсафа фанлари кандидатлари.

«Ҳаётга кириб келаётган йигит ва қизлар ўзларига қандай касбни танлаб олмасинлар, актив ижтимоий фаолиятга тайёрланадилар. Аслини олганда бу фаолият мактабда бошланади. Шундан сўнг катта ҳаётга дастлабки қадамлар қўйилади».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ТУГАНМАС ХАЗИНА

Ҳақиқатан ҳам жамиятимизнинг келажаги ва равнақи кўп жиҳатдан ёшларга, таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимизга боғлиқ. Зотан, ёшларга ҳар томонлама пишиқ-пухта билим-тарбия берилса, уларнинг ҳаётга дадил қадам қўйишларида онгли равишда касб танлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшлар ўртасида касбга бўлган қизиқишни оширишда мактабларнинг роли ғоят катта. Бу борада мактаб педагогик коллективлари хилма-хил усул, турли воситалардан фойдаланмоқдалар.

Шаҳар Советининг депутати, чинни заводининг сартировкачиси Маъсуда Акрамова шундай дейди: «Касб танлашда янглишиш ёмон, бу нарса кейинчалик бошқаларга ҳам таъсир этади. Ҳар бир касб ўз эгасини топгандагина гаштли бўлади. Мен ўз касбимни севаман ва эъзозлайман. Шунинг учун ҳам бахтлиман. Ҳаётдаги ҳар бир одам ўзича бир эзгу ният билан яшайди. Шунинг учун доно халқимиз «Орзусиз инсон, қанотсиз қуш бўлмайди» дейди.

Партия ва ҳукуматимиз ёшларни шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам етук мутахассис бўлиб етишишлари учун ҳамма шароитни яратиб берган. Ўқувчиларимиз орасида механизатор, учувчи, радиотехник, ўқитувчи, врач бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшлар оз дейсизми! Улар орасида кимдандир маслаҳат олишни изловчилар ҳам бўлади. Бундай ҳолатда уларнинг энг яқин маслаҳатгўйи синф раҳбари ва мактаб маъмуриятидан иборат. Ана ш

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ 50 ЁШДА

ШОНЛИ ЯРИМ АСР

Нашриётимиз ярим асрлик улкан ривожланиш йўлини босиб ўтди. Унинг ҳозирги қиёфасини, фойдаланилаётган замонавий асбоб-усукналарини дастлабки вақтдагилари билан таққослаш мумкин эмас.

....Гражданлар уруши давом этмоқда, бутун мамлакатда вайронгарчилик ҳукм сурар, халқ хўжалиги издан чиққан эди. Қоғоз етишмасди. Шунга қарамасдан РКП(б) VIII съезди маҳаллий партия ва совет ташкилотлари зиммасига оммани ғоят кенг қатламларига таъсир ўтказишнинг бебаҳо воситаси бўлган матбуотни вужудга келтириш ва уни ҳартомонлама ривожлантириш вазифасини юклади. Натижада мамлакатимизнинг қатор бошқа чекка ўлкаларидаги каби Ўзбекистонда ҳам нашриёт ишига асос солинди. Нашриётимизнинг тарихи ҳам худди шу даврдан бошланди.

Нашриётимиз йилдан-йилга кенгайиб борди, малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёрдами билан ўзининг полиграфия базасига эга бўлди. 1933 йилда республикада ва Ўрта Осиёда йирик полиграфия комбинати қурилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ишлаб чиқаришнинг ҳажми, техника билан қуролланиши жиҳатидан мамлакатнинг энг илғор полиграфия корхоналаридан бирига айланди. Ўнда ҳар галги тиражи беш миллион нусхадан зиёд 35 дан кўпроқ газета, бир галги тиражи 8 миллион нусхада 42 номда журнал нашр этилмоқда. Ватанимиз ва чет эл полиграфия саноатининг энг янги ютуқлари асосида корхонанинг қуввати йил сайин ошмоқда.

Бир неча йилдирки, газета-журнал нашриёти ҳисобланган корхонамиз арсеналида нашр этишнинг ботиқ, офсет ва юқори босма турлари мавжуддир. Ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, техникадан самарали фойдаланиш газета ва журналларни вақтида чиқариш билан бирга, полиграфия базасига эга бўлмаган бошқа нашриётларнинг буюртмаларини бажариш имконини бермоқда.

1971 йили Ўрта Осиёда ягона ботиқ босма комплекси ишга туширилди. Натижада «Работница», «Здоровье», «Крестьянка» журналларининг Ўрта Осиёда тарқатиладиган тиражи, «Саодат» ва «Гулистон» журналлари кўп рангда чиқариладиган бўлди. Комплекс автоматлашган ўн бўёқли офсет машиналари участкаси ишга туширилиши билан «Муштум» ва «Ғунча» сингари журналларнинг босилиш муддати икки баравар қисқарди. Яқиндагина биз марказий журналларни ўзимизда босишни орзу қилардик. Бугунги кунда бу орзу рўёбга чиқиб, «Работница», «Крестьянка», «Здоровье» журналларини миллион-миллион нусхада нашр этмоқдамиз.

Рангларни ажратувчи мосламага эга бўлган «Варнохромограф», «Варноклишограф» машиналарининг ўрнатилиши, юксак унумли «Климщ Экспресс» фотоаппаратлари, «Пакаролла» аппаратуралари цинкография цехини тубдан ўзгартириб юборди.

Илмий-техника революциясининг мевалари нашриётимиз фаолиятида яққол кўзга ташланиб турибди. Асосий ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилиши, янги технологиянинг жорий этилиши бўёқли тасвирий маҳсулотларнинг замонавий турларини ўзлаштириш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Нашриётнинг фотолабораторияси барча редакциялар хизматига шай бўлиб турибди. Бу ерда ҳар қандай рангли суратларни, газета ва журналларда чиқиши лозим бўлган суратларни тез ва сифатли қилиб ишлаш мумкин.

Газета ва журналларнинг бадиий безаги ва полиграфия ижроси сифати йил сайин яхшиланиб бораётганлигини республикалараро ўтказилаётган конкурс якунлари яққол кўрсатиб турибди. 1974 йили Олмаотада ўтказилган XII республикалараро конкурсга тақдим этилган 6 та газетадан 4 таси диплом билан тақдирланди. «Совет Ўзбекистони» газетаси эса биринчи даражали дипломга сазовор бўлди. Тақдим этилган 12 журналнинг ҳаммаси диплом олди, «Саодат», «Меҳнат ва турмуш» журналлари бадиий безаги ва полиграфия ижроси учун биринчи даражали диплом билан мукофотланди.

Нашриёт коллективи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда жиддий ютуқларга эришди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун реконструкция бошланишигача бўлган даврда реализация қилинган маҳсулот ҳажми билан бугунги кундаги кўрсаткичларимизни қиёслашнинг ўзи кифоя қилади. Агар 1951 йили 616,7 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинган бўлса, 1974 йилда бу рақам 6 миллион 632 минг сўмга етди. Демак, 10 баравардан зиёд ўсишга эришилди.



Нашриётимиз ишчилари ва хизматчилари жонажон Коммунистик партиямизнинг яқинлашиб келаётган XXV съезднинг меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга интилиб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб меҳнат қилмоқдалар. Тахловчи Тамара Григорьевна Дубинская ҳозир 1979 йил ҳисобига, тахловчи Шукрулло Пўлатов, цинкографлардан Норбой Умаров, Юрий Алексеев 1978 йил ҳисобига ишламоқдалар. Стереотипчи Анатолий Васильевич Топилин, созловчи Николай Павлович Мрачковский, офсет цехи печатниги Екатерина Дмитриевна Чашкина ва бошқа кўплаб ишчилар республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақанинг голиблари бўлишди.

1971 йили Ленин кўчаси ёнида, В. И. Ленин Марказий музейининг филиали қаршисида редакция нашриёт корпуси қурилиш ишлари бошланиб кетди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас лойиҳа амалга ошиб, макетда кўрсатилганидан ҳам шинам ва улуғвор қаср пайдо бўлди. Янги редакция-нашриёт корпуси кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентнинг ҳуснига ҳусн қўшди.

Матбуот уйининг ўзига хос ташқи улуғворлигига ва ички пайтда нафислигига Москва, Ленинград, Тошкент лойиҳачиларининг нозик диди пайванд бўлди. Тезюрар лифтларни Корачаров заводи, пневмопочтани Ригадаги дўстларимиз, ажойиб мебелларни Латвия ва Эстониядаги қардошларимиз тайёрлаб беришди. Нурли газета рекламасини дўст Венгриянинг мутахассислари тайёрлаб беришади. Бинонинг энг юқори пештоқига яқин йилларда монтаж қилинадиган электр нури билан ишлайдиган газета ўзининг ёрқин чақмоқлари билан энг муҳим хабарларни пойтахтимиз узра тараётиб туради.

Матбуот қасрида ходимларнинг ижодий меҳнат қилишлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Бинонинг ичида махсус мосламалар иқлимни бир меъёрда тутади. Қиш пайтида иссиқ, ёзда салқин ҳаво уфуриб туради. Ёруғ ва шинам хоналарда ишлаш учун қулай мебеллар, шкафлар қўйилган.

Ўтган йили Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги байрам қилинган эди. Мана энди партия ғояларини босма сўз орқали халққа етказувчи корхона — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Шу йиллар ичида жуда кўп ишлар қилинди, олдимизда яна кўп масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Ҳозироқ, нашриётнинг газета комплексини лойиҳалаш топшириғи ишлаб чиқилди. Газета комплекси ишга тушгандан кейин ишлаб чиқариш ҳажми янада кескин кенгаяди. 1980 йилга бориб, газеталарнинг кунлик тиражи 7 миллион нусхага етади.

Нашриётда илмий-техника тараққиётига доир перспектив план билан бир қаторда корхонани социал ривожлантириш режаси ҳам тузиб чиқилди. Унда ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши кўзда тутилган. Режадаги ишлардан кўпи амалга оширилди. Тошкент яқинидаги Чимён тоғи ёнбағирларининг манзарали жойида пионер лагери, дам олиш уйлари қурилди. Бу ерда матбаачилар ва журналистлар, уларнинг фарзандлари дам олишади. Оржоникидзе районидаги Қибрай қишлоғида яна бир пионер лагери бунёд этилди, профилакторий қурилмоқда.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари ва ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан нашриётимиз Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Кўп йиллардан бери унумли меҳнат қилиб, корхона тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир группа матбаачиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

Коллективимиз ҳар йилдагидек ўтган хўжалик йилида ҳам самарали меҳнат қилди. Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини бир мунча яхшилашга муваффақ бўлдик. Республикамиз саноат корхоналари коллективлари ўртасида бораётган социалистик мусобақада яхши натижаларга эришдик.. Давлат плани ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар тўла ва зиёдаси билан адо этилди. Шунинг учун ҳам нашриётга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Ўзининг ярим асрлик шонли йўлини тантанали нишонлаётган корхонамиз коллективи бу йил янада улкан марраларни эгаллайдилар.

И. ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори.

Суратларда: (юқорида) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти газета редакциялари биноси. (Пастда) Нашриёт техника совети аъзолари келгуси ишлар режасини тузмоқдалар.

Н. Василькин ва О. Заякин фотолари.

МАТБААЧИЛАР МАСКАНИ

ТОШКЕНТ маркази. Ленин проспекти. Гўзал қаср—Ленин музейи рўпарасида қад кўтарган кошинкор баланд бино пойтахтнинг ҳамма еридан кўзга яққол ташланиб туради. Бино пештоқига ўрнатилган қўш катта соат гўзал ҳаётимиз мазмунига монанд. Бамисоли ҳар бир ёрқин онимиз, ҳар бир кунимизга сарҳисобкор у. Ана шу кўркамликка, мазмунга хос бу бинода халқ минбари — газета ва журнал редакциялари жойлашган. Бу қутлуғ даргоҳда сиз яхши билган ва ҳар куни севиб ўқийдиган неча ўнлаб газета ва журналлар чоп этилади.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Ёш ленинчи», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Муштум», «Гулистон», «Ғунча»... Бу ерда чиқадиган газеталарнинг номигина 24 хилдан ошади. Деярли барча марказий газета ва журналлар Москвадан олинган фототелеграф материаллари асосида шу ерда босмадан чиқариб, халққа етказилади.

Ҳа, бу даргоҳни «Жаҳоннома фабрикаси» деб атасак ҳам бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти — республикамиздаги энг кекса ва тўнғич корхоналардан. Бугун у навқирон 50 ёшда!

Бизга жуда қадрдон бўлиб қолган корхона цехларини айланамиз.

...Ҳарф териш цехи. Тўлаш Музаффаров билан цех айланиб юрибмиз. У кўп йиллардан буён босмахонанинг ана шу масъул участкасига бошчилик қилиб келади. Газета ишини жуда яхши тушунган, тажрибали одам. Шу туфайли цехда ишлар ҳамма вақт кўнгилдагидек, меҳнат жараёни бир меёрда илгари одимлайди. Иш—устасидан қўрқади, дейишади. Дарвоқе, цех бошлиғи қўл урса битмаган иш йўқ. Дарҳол ҳаммаси изга тушиб кетаверади.

Турна қатор ленотип машиналар бир маромда гуруллаб турган цех бўлимига ўтганимизда шовқин бироз кучайгандек эди. Бу ерда ҳаёт янада жўшқинроқдек туюлади. Цех бошлиғи билан дастгоҳлардан бирининг ёнида тўхтадик. Иш билан қизғин банд бўлиб ўтирган ўрта ёшлардаги аёл биз билан сўрашиб, яна ҳарф теришда давом этди. Унинг чақкон ва енгил қўл ҳаракатларига маҳлиё бўлмай илож йўқ. Беихтиёр ҳаёлимда иштиёқ билан пианино чалаётган санъаткор гавдаланади. Ҳақиқатдан ҳам машина ғилдиракларининг бир текис айланиши, кассалардан жаранг товушлар билан тўкилиб, нақшин сатрлар ҳосил этаётган олтин ҳарфлар ўзига хос бир куй басталайди.

— Ҳа, уларни санъаткор деса ҳам бўлади,— дейди Тўлаш ака бу фикрга қўшилиб.— Бундай «санъат усталари» цехимизда оз эмас.— Кулиб қўяди у.—Я. Бродский, Т. Суздальцева, Ҳ. Сўфихўжаева, С. Соатов, С. Расулова, Р. Петрико, Н. Ҳамралиева ва бошқа кўпгина шу сингари илғорлар таҳсинга лойиқ ишлашаяпти.

Бу ерда иш тарзи ўзгача. Меҳнат сурури тонгдан бошланиб, тонгга уланади. Корхона дарвозасидан эрта азондан линотипистлар кириб келишади. Улар биринчи бўлиб меҳнат эстафетасини бошлаб беришади. Редакциялардан тушган газета материалларини маҳорат билан, уқув билан металл сатрларга бирма-бир кўчиришади.

Сўнгра цехга верстка чилар, випускаюшийлар ва бошқалар меҳнат постига туришади. Цехда меҳнат кўтаринкилиги авжга минади, ғайрат шодиёнага айлангандек яна ҳам жўшади.

Линотип машиналари ёнидан аста юриб, «Совет Ўзбекистони» газетаси верстка қилинадиган бўлимга ўтамиз. Бу ер анчайин тинч, осойишта. Гоҳо-гоҳо шўх жиринглаб қоладиган телефон қўнғироғи-ю, залворли станок шовқинигина бу жимликни бузиб туради. Тўрт нафар чапдаст йигит газетанинг эртанги янги номерини верстка қилиш билан банд.

— Қўли гул, энг яхши йигитларимиз,— дейди Тўлаш Музаффаров,—Исмат Мансуров, Орифжон Иброҳимов, Мирзоҳид Миршаропов ва Тожибой Холхўжаевларга ишора қилиб.— Цехимизнинг норлари улар.

Бу йигитларни яхши танийман. Кўпдан бўён ишлашади. Газета саҳифаларини тўлдириш, материалларни тузатиш ва безашда уларга етадиган тезкор, моҳир топилмайди. Ўзлари ҳам жуда меҳнаткаш, камтар йигитлар. Улар тез-тез редакторларнинг ташаккурига сазовор бўлиб туришади.

Нашриётнинг энг кекса, табаррук ишчиларидан бири Фахриддин ака Йўлдошевни «Тошкент оқшоми» газетасининг бугунги сонини верстка қилаётган вақтда, қизғин иш устида учратдик. У киши газетанинг биринчи саҳифасини безашда давом этиб, ора-чора нашриёт тарихидан ҳикоя қилдилар:

— Уша даврлар ҳамон эсимда. Цехимиз пастак бинонинг подвалига жойлашган эди. Иш жойимиз тор, у ерга ёруғлик кам тушарди. Хоналар қишда совуқ бўлганидан уст-бошимизни ечмай ишлайверардик. Ҳамма иш қўлда бажариларди. Ҳафталаб газета чиқарганимиз ёдимда. Саҳифаларимиз ҳам кўримсиз, бир хилда бўларди. Ҳозирги замонавий линотип машиналари, босма станоклар қаёқда дейсиз, унда.

Эндичи?.. Энди ҳамма нарса бор, ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилган,— ҳикоясида давом этади Фахриддин ака.— Цехимиз кенг, ёруғ ва кўркам. Қишда иссиқ, ёзда салқин. Газеталарни билимдон, малакали мутахассис кишилар чиқаришаяпти. Буларнинг ҳаммаси замонанинг меваси. Ҳозир қайси бир газетани кўлингга олма, унга ҳавас билан боқасан, ҳузур қилиб ўқиб чиқасан.

Дарҳақиқат, кекса ишчи ҳикоя қилганидек нашриёт 50 йил ичида катта йўлни босиб ўтди. Беқиёс юксалди, тараққий топди. Республикамизнинг энг йирик нашриёт корхонасига айланди. Ўтган йил газета редакциялари 17 қаватли янги кўркам бинога кўчиб ўтди. Замонавий йирик янги цехлар фойдаланишга топширилди. Қанча-қанча эски ускуналар, дастгоҳлар янгиларига алмаштирилди.

Эҳ-ҳе, ҳаммасини гапираверган билан таърифга сиғмайди. Фақат шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ҳамкасб дўстларимиз — газета-набор цехи, стериотип ва ротация цехларининг ишчилари, хизматчилари — азамат матбаачилар эртаю-кеч дастгоҳлар ёнида шижоат кўрсатиб ишлаб, халқимизга кундалик газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бермоқдалар. Партия сўзини, унинг улуғвор режаларини оммага оғишмай етказиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Жаҳон янгиликлари

ҚЎҒИРЧОҚНИНГ КУНИ БИТДИ

Камбоджадаги халққа қарши режим бошлиғи Лон Нол «бош министр» ва йигирма нафар садоқатли ҳарбий ва сиёсий арбоблар ҳамроҳлигида 1 апрель куни Камбоджа пойтахти — Пномпендан чиқиб кетди, тўғрисини айтганда жуфтакни ростлаб қолди. У халқнинг одилона ғазабидан қутилиш пайида паноҳ излаб ўз хўжайинлари ҳузурига қочди.

Лон Нол ҳукмронлик қилган беш йил камбоджаликлар учун беҳисоб азоб-уқубат ва мусибат йиллари бўлди. Чет элликлар уюштирган тўнтариш натижасида давлат тепасига чиқиб олган қўғирчоқ ҳукмронлигининг аянчли натижаси шу бўлдики, Камбоджада бошланган урушда бир миллион киши қурбон бўлди, бу урушда Лон Нол ва унинг гумашталари етти миллионли Кхмер халқига ўз тартиб-қоидаларини зўрлаб ўтказишга беҳуда уриндилар. Америкада чиқадиган «Нью Йорк дейли ньюс» газетаси Лон Нол режимига «порахўрлик, очкўзлик, халқнинг оғир аҳволига мутлақо бепарволик — Пномпендаги ҳукуматнинг асосий белгиларидир» деган жуда тўғри таъриф берди.

Лон Нол ва унинг гумашталари мамлакат территориясининг катта қисмини қўлдан бериб қўйгач, Пентагоннинг сахий ёрдами туфайли пойтахтда турган пайтларида халқ манфаатларига хиёнат қилган ва ўз тақдирларини ажнабий империалистик доираларнинг манфаатлари билан боғлаган бир ҳовуч милитаристлар ва лўттибоз сиёсатдонлар эканликларини батамом фош қилиб қўйдилар.

Камбоджадан олинган хабарларга қараганда, Лон Нол Пномпендаги ҳокимиятни қабул қилиб олган арбоблари ҳозир ўзларининг назарларида ҳали сақлаб қолиш мумкин бўлган нарсаларни сақлаш учун қандайдир «муваққат ҳукумат» тузишга уринмоқдалар. Аммо бунда ғап яроқсиз воситалар билан қилинаётган уринишлар тўғрисидагина бормоқда. Камбоджада ҳақиқатан ҳам обрў-эътибор қозонган бошқа ҳокимият бор. Бу — 60 дан ортиқ давлат томонидан Кхмер халқининг бирдан-бир қонуний вакили деб танилган миллий бирлик Корол ҳукуматидир. Ватанпарварларнинг ўз мамлакати озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашига раҳбарлик қилаётган Камбоджа миллий бирлик фронти каби Корол ҳукумати ҳам империалистик аралашувнинг ҳамма турларини тўхтатишни талаб қилмоқда, Пномпендаги чиркин режим муқаррар барбод бўлишига ишонч билдирмоқда.

А. БИРИЮКОВ,
ТАСС обзорчиси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА. «Тесла» ишлаб чиқариш бирлашмаси телефон заводининг усталари бу йил Совет Иттифоқи шаҳарлари учун 180 мингта автомат телефон юборадилар.

Завод бошқа кўпгина мамлакатлар: ГДР, ГФР, Югославия, Бразилия, Италиядан ҳам олган катта заказларини бажармоқда.

БОНН. Яқинлашиб келаётган сана — фашизм тор-мор этилганлигининг 30 йиллигига бағишланиб, Руранинг саноат марказ — Дортмундда оммавий митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари орасида Совет Иттифоқи, ГДР, Польша, Бельгия ва Голландиядан келган иккинчи жаҳон уруши ветеранлари ва антифашист қаршилик ҳаракатининг курашчилари бор эди.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабада Совет Иттифоқи ва шавкатли Совет Армиясининг жуда катта ролини таъкидлаб ўтдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон жанубидаги Керала штатининг коммунист Ачутха Менон бошчилигидаги ҳукумати 100.000 ишсизни ишга жойлаштириш программасини ишлаб чиқди. Сешанба куни амалга оширила бошлаган программада кўпдан-кўп майда корхоналарни барпо этиш кўзда тутилган.

НЬЮ-ЙОРК. Бултур Нью-Йоркда қайд этилган хавфли жиноятлар тарихда биринчи марта ярим миллиондан ошиб кетди.

Полициянинг маълумотларига қараганда нью-йоркликлардан 1,5 мингдан ортиқ киши жиноятчилар томонидан ўлдирилди, 41 минг киши қароқчилик ҳужумларининг қурбони бўлди. 220 мингдан ортиқ талончилик ва ўғирлик ҳоллари қайд этилди.

Нью-Йоркда жиноятчилик анча кўпайганлиги бутун мамлакат миқёсидаги тенденцияга мос келади. Яқинда юстиция министрлиги эълон қилган маълумотда айтилишича 1974 йилда АҚШда содир бўлган жиноятлар 17 процент кўпайиб, кейинги 14 йил мобайнида энг юқори даражага етган.

(ТАСС).

ЯНА БИР ИҒВОГАРЛИК

БАЙРУТ, 2 апрель. (ТАСС). Бугун эрталаб Исроил соқчиси Ливаннинг Ал-Бўстон қишлоғи районида мамлакат территориясига суқулиб кириб, чегара яқинидаги участкага мина қўйишга уринди. Бироқ, дейилади ҳарбий қўмондонлик эълон қилган ахборотда, Ливан артиллерияси агрессорга қараб ўт очди. Натижада у, артиллериянинг қўллаб-қувватлаб туришига ва авиациянинг ҳаракатларига қарамай, бостириб кирган территориясидан чекинишга мажбур бўлди. Исроил артиллерияси Ал-Бўстон қишлоғини ва унинг теварак атрофларини ўққа тутиб турган бир пайтда Исроил самолётлари чегара районлари устида айланиб учиб юрди. Исроил ҳарбийларининг агрессив ҳаракатлари натижасида аҳоли орасида бир неча киши қурбон бўлди.

Ливан матбуотининг таъкидлаб ёзишича, кейинги кунларда Исроил қуролли кучлари Ливаннинг жанубий чегаларида иғвогарлик ҳаракатларини кучайтирдилар. Исроил самолётларининг Ливан осмонига бостириб кириши ва ҳарбий кемаларининг Ливан территориал сувлари чегарасини бузиш ҳоллари кўпайди. Газеталар Исроил қўшинлари Ливан билан чегарадош минтақага тўпланаётганлиги ва зўр бериб бир жойдан иккинчи жойга кўчирилаётганлигини хабар қилмоқдалар.

Япон аёли.

Джапан Пресс—ТАСС фотоси.

ЖАСУР КОМАНДИР

Улуғ Ватан уруши йиллари Совет Армияси Бош сиёсий Бошқармасининг матбуот бўлими «Ватан урушининг қаҳрамонлари» деган доимий сарлавҳа остида ўзбек тилида варақалар чиқариб турарди. Улар Ватанимиз шоншарафи учун фашист босқинчиларига қарши жангларда қаҳрамонона курашаётган ўзбек халқи фарзандларига бағишланарди. Ана шу варақалардан бирида Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги собиқ «Меҳнат — Бирлик» колхозининг аъзоси Саидусмон Қосимхўжаевнинг жасорати ҳикоя қилинган эди.

... Урушдан илгари муз океанидан то Қора денгизгача, Камчаткадан то Аму дарёсигача чўзилиб кетган Советлар диёридаги барча миллатлар, халқлар бир ёқадан бош чиқариб, дўстона оилада бахтли ва қувноқ турмуш кечирар эдилар. Буни Саидусмон Қосимхўжаев яхши билар эди, деб бошланган эди варақа.

Бироқ, жонажон Ватанимиз тупроғига немис фашистлари босиб кирдиларда, ана шу бахтли ҳаётимизга чангал солдилар, гуллаб турган, мамлакатимизнинг бир қисми босиб олинди. Барча совет халқларининг биргалашиб қилган меҳнати билан вужудга келтирилган моддий ва маданий бойликларни фашистлар ўзлари босиб олган жойларда ваҳшийларча вайрон этишяпти, оёқ ости қилишаяпти, талашяпти, кулини кўкка совуришяпти. Гитлерчи босмачиларнинг бу ёвузлигини ўз кўзи билан кўрган Саидусмон Қосимхўжаевнинг бутун вужуди фашистларга қарши ғазаб ва нафрат билан ёнди».

Совет Армиясининг Сталинграддан Днепргача бўлган қатиқ жангларида Саидусмон Қосимхўжаев совет солдатининг — озод қилувчи ва қасос олувчи солдатнинг оғир, лекин шонли йўлини босиб ўтди.

... Узоқдан Днепр дарёси ойна каби ялтираб кўринади. Душман қўшинларимизни дарё қирғоғига яқинлаштирмасликка уриниб, дарҳол ўққа тутди. Автомат, пулемёт, замбараклардан селдай ёғаётган ўқ, мина, снарядлар жангчиларимизнинг кўзини очирмай қўйди.

Рота командири Саидусмон Қосимхўжаев взводи олдига муҳим ва маъсулиятли вазифа қўйди:

— Нариги қирғоққа ўтиб, душман ўт очиш нуқталарини яксон этасиз ва бошқа бўлинмаларнинг дарёдан ўтиб олишларини таъминлайсиз.

Паром у ёқда турсин, бирорта қайиқ ҳам топилмади. Ҳеч бўлмаганда 2—3та хода бўлсаям, майли эди-я! Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Саидусмон сумкасидан ўқлар солинган халтачани олиб, елкасига ташлади, ипларини бўйнига боғлаб, қўйди. Сўнг «Менинг кетимдан олға!» деб команда берди-да, ўзини дарёга ташлади. Кўп ўтмай юқоридан 3—4 хода оқиб келиб қолди. «Жуда соз, худди осмондан тушгандай-а» дейишди жангчилар. Аслида юқорида немислар портлатган кўприкнинг ёғочлари эди. бу. «Ходаларга мининг, ходаларга!» деди Қосимхўжаев.

Тўрт томонда ўқларнинг чийиллаши тобора авжига минар, мина ва снарядлар гумбури қулоқларни қоматга келтириб, ажал уруғи сепарди.

Қосимхўжаевнинг взводи Днепрнинг ўнг қирғоғига ўтганда душман пулемёти уларни ўққа тутди. Пулемёт 100 метрча нарида бутазордаги пистирмада эди.

Унга атрофдаги ҳамма нарса яққол кўриниб турарди.

Жангчилар бошларини кўтаролмай, қумни кавлаб, бекиниб олишди. Саидусмон жангчиларга «Ҳозирча ўрнларингдан қимирламай ётаверинглар» — деди-да, ўзи тирсаги билан қумни ёриб душман пулемёти томон эмаклаб кетди. Пулемётдан бетўхтов ўқ ёғилмоқда. Боши устидан, қулоқлари тагидан ғизиллаб ўтаётган ўқларнинг саноғи йўқ. «Ботирга ўқ ботмайди» — деган солдат маталига ана шу ерда ишонса бўларди. Лекин... Саидусмон белидан пастроқда бир оғриқ сезди. «Ялаб кетди шекилли, газанданинг дайди ўқи, — деди ўз-ўзига Саидусмон ва олдинга эмаклайверди...

Тахминан душман пулемёти пистирмасига 20 метр қолганда бирин-кетин икки граната улоқтирди-да, ўрнидан ғоз туриб «Менинг орқамдан олға!» деб команда берди. Жангчилар жасур командирнинг кетидан югуриб кетишди.

Взвод фашистлар пусиб етган хандақларга босиб кирди. Бу ўнг қирғоқдаги душман мудофаасининг биринчи чизиғи эди. Найзабозлик жанги қизиб кетди. Саидусмон тўрт газандага найза санчиб, ер тишлатди, иккитасининг бошини қўндоқ билан ёрди. Қолганлар хандақлардан чиқиб қоча бошлашди.

— Бу мурдорлардан бирортаси тирик қочиб қутилмасин! Тўсинглар, йўлини тўсинглар,—деди Қосимхўжаев ва ҳаммадан олдин ўзи югуриб ўтиб, душман солдатларини автоматдан боплаб ўққа тутди. 103 душман ўлдирилди. Тирик қолганлар асир қилиб олинди.

Шундай қилиб, Саидусмон Қосимхўжаевнинг взводи Днепрнинг ўнг қирғоғига маҳкам ўрнилашиб, душманнинг тўрт марта кучли қарши ҳамласини даф этди ва унинг қисмларини қирғоққа яқин келтирмади. Шу билан батальон бўлинмаларининг дарёдан о қурбон бериб ўтиб олишларини таъмин этди.

... 1943 йилнинг 16 октябрида СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ сержант Саидусмон Қосимхўжаевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ўзбек халқининг ботир ўғлони бутун мамлакатда шуҳрат қозонди...

Уша варақа бир неча ўн минг нусхада босилиб, ҳамма фронтларга, ҳаракатдаги армияларга тарқатилди. Унинг биринчи бетида Саидусмон Қосимхўжаевнинг катта сурати босилган эди.

Тўлқин РУСТАМОВ.

В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлар билим юртида таълим олаётган йигитлар Совет Армияси офицерларига муносиб ўринбосарлар бўлиб етишмоқдалар. Улар ҳозир Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги шарафига ўзаро мусобақалашиб ҳарбий ва снёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Суратда: Майор В. Макарьев жангчиларни жанговар машинанинг тузилиши билан таништирмоқда.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАМШИРА

— Сизни хирург йўқлаётган эди, — дейишди ярадорлар касаллик варақасини тўлдираётган лобаргина қизга. — Бир ярадорнинг ҳаёти ҳавф остида. Операция қилинар эмиш.

...Жангчининг оёғини кесишга тўғри келди. Биринчи бор бундай оғир операцияда жарроҳга ёрдам берган ҳамшира аввалига бироз чўчиди. Лекин тезда ўзини тутиб олди. Врачнинг кўрсатмаларини аниқ ва дадил бажара бошлади. Шу дамда палатадаги уччала юрак ҳам баравар азоб чекарди, операция столидаги солдатдан ҳам, жарроҳдан ҳам, ҳамширадан ҳам бир хилда тер қўюларди.

Операция тугади. Солдатнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Сўнг врач бошқа ярадорларни қабул қилгани кетди. Ҳамшира қиз эса ярадор ёнидан жилмай ўтирарди. Уни бир савол қийнар эди: жангчи ўзига келгач оёғи кесилганини кўриб қандай ҳолга тушаркин, уни қандай қилиб юпатса бўларкин...

ОТА ЎҒИЛ

Уйда биринчи бор чақалоқ йиғиси эшитилди. Одатда бунақа пайтларда уйдагиларнинг қувончи ичига сиғмайди...

Йигитнинг қувончи чексиз эди. Ахир, у тез орада ота бўлади. Топиб олган гапи фақат битта: ўғил бўлса ҳам, қиз бўлса ҳам исмини ўзим қўяман.

Қаёқдан ҳам лаънати уруш бошланди-ю, унинг қувончларига соя тушди. Кўплаб ўзи тенгилар қатори фронтга жўнади.

Ҳафта ўтиб, фарзанд туғилди. Отадан келган биринчи хатнинг адресига она ҳар куни мактуб йўллайди, ўғлига исм кутади. Аммо, ҳануз жавоб йўқ.

Йил ўтди. Бола эмаклайдиган ҳам бўлдики, ҳамон исмсиз. Она ҳар куни хат битиб, почтальон қизга беради. У эса тўғри уйига кириб, юм-юм йиғлайди. Она билмайди, фронтдан қора хат келганини. Почтальон қиз буни ундан яширганди, онанинг фарзанд кўрганданги чексиз қувончини сўндиргиси келмаганди.

Она ҳамон мактуб кутади. Кўни-қўшнилар болани отасининг исми билан чақира бошлашди. Тез орада онанинг ўзи ҳам бунга кўникиб кетди...

Жаҳонгир МАМАТОВ.

Спорт НАФОСАТ

Марказий «Юбилей» спорт саройи яна гавжумлашиб қолди. Яқиндагина шаҳримизда бўлиб ўтган СССР халқлари VI спартакиадасининг бокс турниридаги ҳисҳаяжонлар босилмай туриб, бу ерга яна спорт мухлислари оқиб кела бошладилар.

Бугун мамлакатимизнинг кучли фигурали учиш усталари Совет Иттифоқи кубоги учун бахслашгани муз майдонига чиқадилар. РСФСР, Москва, Ленинград, Украина, Грузия командалари биринчи группада, Белоруссия, Қозоғистон, Литва, Латвия, Эстония командалари эса иккинчи группада ўз махоратларини намойиш этадилар.

Шаҳримизга келган фигурачилар орасида жаҳон ва Европа биринчиликларининг, турли йирик халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларининг қатнашчи ва совриндорлари бор. Улар мажбурий, ихтиёрий, қисқа программаларда фигурали учиш ва спорт рақслари бўйича ўзаро баҳс юритадилар. Тошкентликлар ажойиб ва қизғин спорт мусобақаларининг гувоҳи бўладилар.

Бугун кеч соат 18.30 да СССР кубоги мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлади. Шу куни спорт шинавандалари жуфт бўлиб учиш (қисқа программа), спорт рақслари (мажбурий программа) баҳсларининг гувоҳи бўладилар.

Энди қолган кунлардаги мусобақалар жадвали билан танишинг:

5 АПРЕЛЬ. 14.00 — Эркаклар, қисқа программа. 15.30 — спорт рақслари, мажбурий программа. 19.00 — жуфт бўлиб учиш, ихтиёрий программа. 21.00 — спорт ва оригинал рақслар.

6 АПРЕЛЬ. 13.30 — эркаклар, ихтиёрий программа. 21.45 — жуфт бўлиб учиш совриндорларининг намунали чиқишлари.

7 АПРЕЛЬ. 18.30 — аёллар, қисқа программа. 20.45 — спорт рақслари, ихтиёрий программа.

8 АПРЕЛЬ. 18.30 — аёллар ихтиёрий программа. 21.45 — тантанали мукофотлаш маросими, голиблар ва совриндорларининг намунали чиқишлари, мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими.

9 АПРЕЛЬ. 19.00 — фигурали учишдан энг кучли спортчиларнинг намунали чиқишлари.

Шундай қилиб, бугун фигурачиларнинг мусобақаларига старт берилади. Нафосат байрамига марҳамат қилинг!

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Апрелнинг дастлабки кунларини СССР терма командаси футболчилари учун жиддий синов бўлди. Улар Кневда Европа биринчилиги учун Туркия терма командаси билан расмий равишда учрашдилар.

Терма командамиз майдонга бу гал ўзгарган составда тушди. Рудаков, Коньков (Буряк), Матвиенко, Фоменко, Решко, Трошкин, Мунтян, Онищенко, Колотов, Веремеев, Блохин ва учрашув охиррогида ҳужум линиясига тушган пахтакорчи Федоров совет футбол шарафини дадил туриб ҳимоя қилдилар.

Учрашув совет футболчиларининг ҳужуми билан бошланди. Еттинчи ва ўн тўртинчи минутларда футболчиларимиз рақиб дарвозасига жиддий ҳавф солдилар. Шошиб қолган туркиялик футболчилар 25-минутда Блохинга нисбатан қўполлик ишлатдилар. Шундан сўнг Колотов ўн бир метрлик жарима тўпи билан ҳисобни очди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида совет футболчиларининг устунлиги яна ҳам яққолроқ сезила бошлади. Олдин Колотов сўнг Блохин рақиб дарвозасини аниқ нишонга олдилар. Меҳмонлар қанчалик урунмасинлар барибир мағлубиятдан қутила олмадилар.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Узбекистонда меҳмон бўлиб турган Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси Олмалиқ шаҳрида «Пахтакор» футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

«Пахтакор» командаси бундан олдин «Торпедо» футболчилари билан бўлган ўртоқлик учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Энди командамиз 6 апрелда СССР кубоги учун бўладиган нимчорак учрашувида Москванинг «Спартак» командасини қабул қилади.

ЁМОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Жиноят курсисида йигирма беш ёшлар чамасидаги Манзура Валиева исмли ёшгина жувон билан унинг турмуш ўртоғи Саидғанихўжа Валиев ўз қилмишларидан минг бор пушаймон бўлиб, эл назаридан юзлари шувут ҳолда, ердан кўз узмай ўтиришибди.

Қизиқ, бу ёшгина оилани қайси жиноят бу ерга бошлаб келди? Эл юзига қаролмай ўтирган эру-хотин ор-номуси шунчалик кучли экан, уларни жиноят кўчасига ким ва нима мажбур этди?

Мана эшитинг. Улар Октябрь колхоз бозорида ҳар метри 7 сўм 30 тийинлик атласнинг беш метрини Носирова исмли аёлга 110 сўмга пуллаб туришган вақтларида Собир Раҳимов район милиция бўлими ходимлари томонидан қўлга олинадилар. Саидғанихўжа Валиевнинг ёғи тинтув қилинганда яна 18 метр атлас ва бир дона аёллар жемпери, уйидан эса 99 метр атлас, ҳар метри 3 сўм 30 тийинлик 112 метр поплин, газламаси топилади.

Хўш, уларнинг ўзлари ким? Бирор тайинли ишнинг этагини тутган кишиларми ёки?.. Манзура Валиева 2-темир йўл касалхонасида акушер, турмуш ўртоғи Саидғанихўжа эса шаҳардаги тарбия масканларидан бирида масъулиятли вазифада ишлайди.

Хўш, шундай экан, бири медик, иккинчиси тарбиячи деган номига иснод келтириб, чайқовчилик кўчасига қандай кириб қолишди? Давлатдан олаётган маошларини қайси орзуларига етказишолмаяпти экан? Текшириш давомида улар ҳеч нарсадан камчиликлари йўқлиги, машаққатсиз қўшимча бойлик тўплашга ҳавас уйғонганлиги маълум бўлди. Эр-хотини тўғри йўлдан оздириб, бу лақмаларни ишга солган поёб газлама ва тайёр кийимларни етказиб турган чайқовчи учар ким бўлди?

Мана у, «ҳаваскор» икки чайқовчининг устози Раҳима Умарова. У кора кўрсида ҳеч нарсадан тап тортмай, қўзаларини лўк қилиб ўтирибди. Раҳима бозорда туғилиб, бозорда эсини танигаз, тажрибали текинхўр. Ана шу туғма «таланти» билан бир марта жазосини тортиб келган. Лекин, шунда ҳам тавба қилмади. У энди Манзура, Саидғанихўжа каби лақмалар билан уз мақсадига эришиш йўлини тутди. Борди-ю, ўртадаги девор қулагудек бўлса, ўзини четга олиб, чангига уларни рўпара килмоқчи бўлди. Ҳа, Раҳима шу ният билан атласнинг ҳар уч метрини 28 сўмдан, поплинни эса 15 сўмдан уларга ўтказиб, «Оширгаларингиз ўзингизга», деб Манзура билан Саидғанихўжага «илтифот» ҳам кўрсатди.

Йўқ, унинг найранги бу гал ҳам иш бермади. Текинхўр чайқовчининг уйидан топилган ҳар метри 3 сўм 30 тийинлик 142 метр поплин, 18 сўмлик 20 метр гипюр, 49 метр поёб газлама, 20 метр крепдешин ва донаси 60 сўмлик 15 та аёллар жемпери кимнинг ҳисобидан қандай қилиб орттирилган бўлса, шундайлигича давлат фойдасига ўтказилди. Ўзи эса қилмишига яраша иккинчи бор жазога тортилди.

Лекин, шунисн ачинарлики, Раҳима Умарова бирор фойдали иш билан шуғулланмай, кўп йиллардан буён чайқовчилик қилиб келаётганлигини у яшаб турган «Кўпарик» маҳалла жамоатчилиги яхши билади. Афсуски, билатуриб, на маҳалла активи, на унинг турмуш ўртоғи — 1-такси паркининг шофери Илҳом Расулов бу хатарли йўлдан қайтаришни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаган. «Мен сенга, сен менга тегма» қаи